



ХОТАМЖОН КЕТМОНОВНИНГ ДАСТУРИДА

ижтимоий ҳимояни кучайтириш билан боғлиқ долзарб вазифалар белгиланган

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеа — Президент сайловига санокли кунлар қолди. Янги ташкилий-ҳуқуқий шароитда ўтказилаётган мазкур сайловда барча сиёсий партиялардан номзодлар кўрсатилди.

Шу кунларда улар, номзодларнинг ишончли вакиллари мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудидида сайловолди тарғибот ишларини қизгин давом эттирмоқда. Ўзбекистон Халқ демократик партияси сайловда фаол ва муносиб иштирок этишга ҳаракат қилмоқда. Сайловчилар, электорат вакиллари билан ўтказилаётган учрашувларда партиядан Президентликка номзод Хотамжон Кетмоновнинг дастурини, унда белгиланган устувор масалаларни жамоатчиликка етказиш, уларнинг ҳаётий аҳамиятини очиб беришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ҳўш, номзоднинг дастурида белгиланган масалалар мазмун-моҳияти нималардан иборат? Уларнинг электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, мамлакатимизни янада тараққий эттиришдаги ўрни ҳақида нима дейиш мумкин?



Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган суратлар.

Барчамизга маълумки, Ўзбекистон Халқ демократик партияси мамлакатимизда давлат ва жамиятнинг манзилли ижтимоий муҳофаза ҳамда ижтимоий қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд аҳоли қатламлари манфаатларини ҳимоя қилиш, таълим ва соғлиқни сақлаш, суд-ҳуқуқ, ўй-жой ва коммунал хизматлар кўрсатиш тизимини янада ислоҳ этишга эътибор қаратади. Партиядан Президентликка номзод Хотамжон Кетмонов дастури айнан мазкур йўналишлардаги устувор ғояларга асосланади.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳар қандай даврда ҳам давлат ва жамият

олдида турган энг муҳим, энг долзарб вазифалардан ҳисобланади. Чунки одамларнинг турмуш тарзи, кайфияти, амалга оширилаётган ислохотларга муносабати қандай бўлиши, аввало, улар қай даражада ижтимоий ҳимояланганлиги билан бевосита боғлиқ. Шундан келиб чиқиб, номзоднинг дастурида аҳолининг давлат ва жамият томонидан қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатлами манфаатларини ҳимоя қилиш масаласи асосий устувор йўналиш этиб белгиланди.

Бунда меҳнатга лаёқатли кишиларнинг муносиби ҳақ тўланадиган иш

ўрнига эга бўлишга интилишини қўллаб-қувватлаш, бундай кишиларнинг шахсий ташаббускорлиги ва ишбилармонлигини рағбатлантирувчи кучли ижтимоий сиёсат юритиш муҳим вазифа ҳисобланади. Аввало, мустақил ҳаётга кириб келаётган ёшларга, касб танлаш, таълим олиш ва ўқув муассасаларини битирган, албатта, биринчи иш ўринларига эга бўлишлари учун адолатли, тенг ва ижтимоий жиҳатдан мақбул шарт-шароитлар яратиш талаб этилади.

► Давоми 2-бетда.

Ўзбекистон ХДП Марказий сайлов штабида учрашув бўлиб ўтди

■ 17 март куни Ўзбекистон ХДП Марказий сайлов штабида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Кузатувчилар миссияси вакиллари — МДХ Ижроия қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Владимир Гаркун, эксперт Евгений Козак билан учрашув бўлиб ўтди.

Унда ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, марказий сайлов штаби раҳбари Рустам Комилов Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзолари сони ва тузилмалари, партиянинг сиёсий мафқураси ва доимий электорати, 2014 йилги сайловлардаги иштироки, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қатнашиши ва сайлов кампаниясининг олиб борилиши билан боғлиқ жараёнлар тўғрисида атрафли маълумот берди.

Жумладан, партиянинг марказий ва ҳудудий ташкилотларида сайлов штаблари тузилгани, улар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Ўзбекистон ХДПнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар қонунчили-

ка мувофиқ тарзда амалга оширилаётгани таъкидланди. Кузатувчилар Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Президентликка номзоднинг сайловчилар билан ўтказиётган учрашувлари, номзоднинг ишончли вакиллари томонидан олиб борилаётган тарғибот ишлари ҳақида ҳам батафсил хабардор қилинди.

Сайловчилар билан учрашувларни ташкил этишда номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари қонунчилида кўзда тутилган тарзда кенг ва тенг имкониятлар яратиб берилаётгани алоҳида қайд этилди.

Учрашув самимий ва очик мулоқот руҳида ўтди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Матбуот хизмати.

Табиий монополия субъектлари томонидан аҳолига тақдим этиладиган коммунал хизматлар нархлари ва тарифларини давлат томонидан тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Хотамжон Кетмоновнинг Сайловолди дастуридан

Сиз Президентликка номзодимиз дастури ҳақида қандай фикрдасиз?

■ Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Хотамжон Кетмоновнинг дастурида аҳолининг давлат ва жамият томонидан қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатламлари манфаатлари ҳимоясига алоҳида эътибор қаратилган. Унда меҳнатга лаёқатли кишиларнинг муносиб ҳақ тўланадиган иш ўринларига эга бўлишга интилишларини қўллаб-қувватловчи тизимни яратиш ғояси ҳам илгари сурилади.

Дастурда, хусусан, фуқароларнинг шахсий ташаббускорлиги ва ишбилармонлиги

ни рағбатлантирувчи кучли ижтимоий сиёсат юритиш борасидаги тақлифлар кенг

ўрин олган. Шунингдек, мустақил ҳаётга кириб келаётган ёшлар, ижтимоий келиб чиқишдан қатъи назар, касб танлаши, таълим олиши ва ўқув муассасаларини битирган, албатта, биринчи иш ўрнига эга бўлиши кераклиги таъкидланган. Бу борада йигит-қизларга адолатли, тенг ва ижтимоий жиҳатдан мақбул шарт-шароитлар яратиш зарурлиги қайд этилган.

2

Ўзбекистон Республикаси Президенти САЙЛОВИ — 2015



29 МАРТ

10

КУН ҚОЛДИ

МДХ КУЗАТУВЧИЛАР МИССИЯСИ ВАКИЛИ

сайловга тайёргарлик жараёнлари билан танишди

■ 17 март куни 2-Андижон округ сайлов комиссиясида МДХ Кузатувчилар миссияси раиси ўринбосари Олег Кулеба билан учрашув бўлиб ўтди.

Сайлов комиссияси раиси Обоқул Мирзаев вакили сайловга тайёргарлик жараёнлари билан таништириб, улар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, сайлов тўғрисидаги қонунлар, Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурига мувофиқ, сайловга тайёргарлик жараёнлари очик ҳамда ошқора ўтказилаётгани ҳақида сўзлаб берди. Таъкидландики, сайлов кампаниясини амалга оширишда қонунийлик, ошқоралик ва транспарентлик принципларига қатъий риоя этиш устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб олинган.

Олег Кулеба комиссиянинг самарали фаолият олиб бориши учун яратилган шароитлар билан яқиндан танишди, участкаларда айна пайтда амалга оширилаётган ишлар, муддатидан олдин овоз бе-

риш тартиб-тамойиллари ҳақида маълумот олди.

— Миссиямизнинг асосий вазифаси сайлов жараёнларини кузатиш ва унинг халқаро стандартларга қанчалик мос келишини ўрганишдан иборат, — деди Олег Кулеба. — Ўзбекистоннинг барча маъмурий ҳудудларидаги сайлов округлари ва участкаларида бўлиб, комиссиялар аъзолари билан учрашамиз. Қонуний меъёрлар доирасида ишлар қизгин юритилипти. Сайловчилар билан суҳбатда уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим жараёнга қизиқиши баландлигига гувоҳ бўляпмиз. Улар эркин фикрлаб, мустақил тарзда овоз бериши учун барча маълумотлар билан таъминланган, сайловчилар ёпиқ овоз бериши учун зарур шароитлар яратилган.

Хорижий кузатувчи вилоятдаги сайлов участкаларида ҳам бўлди.


Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



Суратда: Олег Кулеба 2-Андижон округ сайлов комиссияси фаолияти билан танишмоқда.

Хурсанбек АРАББОВ олган сурат.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида парламент муҳолифатини эълон қилиш тўғрисида АХБОРОТ



■ Биз Президентликка ЎзХДПдан кўрсатилган номзоднинг дастурини қўллаб-қувватлаймиз.

ХОТАМЖОН КЕТМОНОВНИНГ ДАСТУРИДА

ижтимоий ҳимояни кучайтириш билан боғлиқ долзарб вазифалар белгиланган

Ҳар йили мамлакатимизда ярим миллионга яқин йигит-қиз касб-хунар коллежларини тамомлайди. Номзодимиз фикрича, уларни иш билан таъминлаш кенгайтириб бўлмайдиган масалалар. Кўплаб ёшларимизда тадбиркорликка қизиқиш ва қобилият бор, лекин иш бошлаш учун маблағ керак. Шундай пайтда уларни қўллаб-қувватласак, эртага кўплаб иш жойлари очилишига имкон яратган бўламиз. Касб-хунар коллежлари битирувчиларига имтиёзли микрокредитлар бериш ишларини тақомиллаштириш, белгиланган йиллардан озода этиш орқали улар ўз бизнесини бошлашига кўмаклашиш муҳим масала.

Биламизки, ЎзХДП мамлакатимизнинг ўсиб бораётган иқтисодий салоҳиятидан аҳолининг барча қатламлари, шу жумладан, унинг кам таъминланган гуруҳлари турмуш даражасини яхшилаш учун фойдаланишга қаратилган стратегик йўналишни фаол қўллаб-қувватлайди. Шундан келиб чиқиб, номзодимиз дастурида кам таъминланган оилаларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш самардорлигини ошириш бўйича ҳам қатор таклифлар баён этилган.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатламлари ижтимоий ҳимоясини фақат давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобига самарали таъминлаб бўлмайди, албатта.

ДЕМАК, КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАР АЪЗОЛАРИГА ЎЗ ИШНИ ОЧИШИ, МУСТАҚИЛ БИЗНЕСИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШИ УЧУН БЕГАРАЗ ССУДА ВА ИМТИЁЗЛИ МИКРОКРЕДИТЛАР БЕРИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ КЕРАК БЎЛАДИ. АГАР УЛАР ЎЗ ИШНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИБ, БАРҚАРОР ДАРОМАД МАНБАИГА ЭГА БЎЛСА, НАФАҚАТ УЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯСИ УЧУН БЮДЖЕТДАН ПУЛ АЖРАТИШГА ҲОЖАТ ҚОЛМАЙДИ, БАЛКИ УЛАРНИНГ ЎЗИ СОЛИҚ ТЎЛОВЧИГА АЙЛАНАДИ.

◀ Давоми. Бошланғич 1-бетда.

Сиз Президентликка номзодимиз дастури ҳақида қандай фикрдасиз?

■ Хўш, дастурда илгари сурилган масалалар мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожига, бандлиқни таъминлашда қанчалик аҳамиятга эга?

Фаррух ҲАҚБЕРДИЕВ,
Тошкент вилояти ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармасининг бош мутахассиси:

— Аҳоли, хусусан, ёшлар бандлигини таъминлаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири. Шу боис мустақил ҳаётга кириб келаётган йигит-қизларга касб-хунар танлаши ҳамда таълим олиши учун ҳар жиҳатдан мақбул шароитлар яратиш аҳамиятлидир. Битирувчи-га иш берилаётганда бирикчи галда унинг мутахассислигига эътибор қаратилади. Бу ўз навбатида ёшларга таълим муассасаларида берилаётган билим ва кўникмаларнинг ҳар томонлама юқори бўлишини таъминлайди. Билимли, малакали битирувчинини ишга жойлаштириш кафолати, имконияти юқори бўлади. Номзод дастурида бу масалаларга алоҳида эътибор берилган. Муҳим та-

◀ Давоми. Бошланғич 1-бетда.



Шунинг учун номзодимиз ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини аҳолини иш билан таъминлаш, улар ўртасида боқимандалик кайфиятини бартараф этишга йўналтириш зарур, деб ҳисоблайди. Бунинг учун одамларнинг ташаббускорлигини рағбатлантириш, меҳнатга интилишини қўллаб-қувватлаш керак.

Айтайлик, кишида ишлаб чиқаришнинг қайсидир турига қизиқиш бор. Лекин у вақтинчалик ишсиз. Ўзига таниш ва сир-асорини билган соҳада иш бошлаш учун маблағ етарли эмас. Демак, уни қўллаб-қувватлаш, керакли маблағ билан таъминлашига кўмаклашиш лозим. Шунда жамиятда боқимандалик кайфияти бартараф этилади, кўплаб одамлар иш билан таъминланиб, оила даромадига, жамият фаровонлигига ва тараққиётга улуш қўшади. Бунда, албатта, фуқароларга имтиёзли кредитлар ва мақсадли фойсиз ссудалар ажратиш яхши самара беради.

Дастурда ижтимоий ҳимоя масалаларига алоҳида эътибор қаратилгани бугун кўпчилик қўллаб-қувватламоқда. Чунки булар энг долзарб ҳаётий вазифалар бўлиб, аҳолининг ижтимоий фаоллигини ошириш, иқтисодий даромадларини кўпайтириш масалаларини ўз ичига олган.

Хусусан, дастурда муносиб иш ҳақи тўланадиган барқарор иш ўринларини тақдим этаётган корхоналарда меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича сай-ҳаракатларни фаоллаштириш белгиланган. Улар қаторига, авваломбор,

Президент сайловида Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватлашга чақирамиз

ишлаб чиқариш соҳасининг юқори технологик тармоқ корхоналари, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида фаолият юритаётган корхона-ташкилотлар киради. Номзод Хотамжон Кетмоновнинг фикрича, ушбу соҳаларга мамлакатда мавжуд бўлган бўш меҳнат ресурсларини фаол жалб қилиш иқтисодий ўсишнинг муҳим омилли ҳисобланади.

Дастурда солиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатлами учун кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш, соҳада учраётган айрим муаммоларни ҳал этиш бўйича муҳим таклифлар ҳам ўз ифодасини топган. Хусусан, аҳолига юқори сифатли ва мақбул тиббий ёрдамдан кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш масаласи эътиборга молик. Олис қишлоқ ҳудудларида бирламчи тиббий ёрдамдан қулай ва тез фойдаланиш имкониятини таъминловчи қишлоқ врачлик пунктлари тармоғини кенгайтириш бўйича чоралар кўриш, имтиёзли ва бепул таразда малакали тиббий санитария ёрдами кўрсатилишини тартибга солувчи тегишли қўнув ҳужжатлари ижроси устидан тизимли назоратни кучайтириш долзарб аҳамиятга эга, албатта. Бу таклифлар бугун ҳаётимизда кузатилаётган, одамларни ўйлантираётган айрим камчиликларни бартараф этишга хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Ижтимоий соҳага йўналтирилаётган маблағлар мақсадли равишда сарфланиши устидан қатъий назоратни кучайтириш, мақсулот етказув-

чилар ўзaro эркин рақобатлашишига шароит яратадиган очик ва ошкора электрон савдолар тизимини кенгайтириш, шу орқали давлат харажатларини амалга ошириш тизимини тақомиллаштириш масалалари ҳам дастурда ўз ифодасини топган. Бу нафақат давлатнинг иқтисодий салоҳияти ва қудратини оширишга, балки тизим ходимлари ва истеъмолчиларга янада қулайлик яратишга хизмат қилади. Чунки очик ва ошкора электрон савдолар йўлга қўйилиши давлат бюджетни маблағлари мақсадли сарфланиши, адолат ва ҳаққонийлик мустаҳкамлашишига кенг йўл очади.

Ҳаммамиз яхши биламиз, кишиларнинг яхши яшashi ва муносиб турмуш шароитига эга бўлишида коммунал соҳа ривожини муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун номзодимиз дастурида бу йўналишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Унда қайд этилишича, аҳолига кўрсатиладиган хизматлар нархини мақбуллаштиришга эришиш учун соҳанинг тармоқ муҳандислик инфратузилмаси билан боғлиқ бўлмаган арзон автоном шакллари ривожлантириш керак. Шунингдек, тиббий монополия субъектлари томонидан тақдим этиладиган коммунал хизматлар нархлари ва тарифларини давлат томонидан тартибга солиш механизмларини янада тақомиллаштириш зарур.

Демократик ислохотлар чуқурлашиб, фуқаролик жамияти қарор топади сари суд-ҳуқуқ тизимини тақомиллаштириш, одил судловни амалга ошириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатини мустаҳкамлаш

бўйича қўшимча имкониятларни яратиш зарурати келиб чиқади. Бу жамият ҳаётини демократлаштириш, инсонпарварлик тамойилини кучайтиришда муҳим ўрин тутди. Шунинг учун номзод бу борада ҳам қатор таклифларни илгари сурмоқда. Хусусан, фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг суд механизмлари оммабонлигини кенгайтириш таклиф этилмоқда. Мазкур масалада суд назоратини кучайтириш ҳисобига суд қарорлари ижроси сифатини ошириш керак бўлади. Номзоднинг фикрича, фуқароларнинг ҳуқуқларини янада кафолатлаш мақсадида илгари сурилган бу таклифлар ҳаётимизни тобора эркинлаштириш ва демократлаштиришга хизмат қилади.

Ташқи сиёсат ҳар қандай мамлакат тараққиётида долзарб аҳамиятга эга. Бошқа давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, дўстона муносабатларни ўрнатиш орқали глобал муаммоларни ҳамжиҳатликда ечиш, соҳалар истиқболига йўл очиш, тажриба алмашиш имкони кенгайди. Шунинг учун Президентликка номзод ўз дастурида ташқи сиёсат фаолияти масалаларида ҳам қатор таклифларни билдиришмоқда. Хусусан, минтақадаги экологик вазиятни яхшилаш, Марказий Осиё трансчегаравий дарёлари сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалалари бўйича мамлакатнинг халқаро ташаббусларини фаол илгари суриш таъминлаш лозим. Шунингдек, дастурда Марказий Осиё мамлакатлари, дунёнинг бошқа давлатлари, нуфузли халқаро ташкилотлар билан терроризм, экстремизм, наркотрафик, одам савдоси ва бошқа таҳдидларга қарши кураш масалалари бўйича ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш ва кучайтириш зарурлиги таъкидланган. Бу масалалар мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, тараққиётни янада юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Умуман, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Президентликка номзод Хотамжон Кетмонов дастурдан ўрин олган ғоялар мамлакатимиз мустақиллиги ва тараққиётини мустаҳкамлашга амалга оширишда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришга, тараққиётни янада мустаҳкамлашга, аҳоли турмушини фаровонлаштиришга йўналтирилган. Ушбу дастур мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга ошириб келинаётган кучли ижтимоий сиёсат, инсонпарвар демократик ислохотларнинг бош мақсадига мос келади. Шунинг учун сайловчиларини ундаги ғояларни қўллаб-қувватлашга, номзодимизга овоз беришга чақирамиз.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАРИДА

■ ЎзХДП Самарқанд шаҳар кенгашида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеа — Президент сайловини ўтказишга тайёргарлик жараёни қизғин паллага кирган. Ҳар бир етакчи, партия фаоли ва аъзоси мазкур сиёсий тадбирнинг юрт тараққиёти, халқ фаровонлиги юксалишидаги аҳамияти ҳақида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқда.

Сайловолди ташвиқоти жараёнида

аъзолар фаоллиги муҳим ўрин тутди

Кенгаш раиси Шоира Норкулова шахарда сайловга тайёргарлик ишлари ҳақида гапирар экан, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази вилоят филиалидаги бошланғич партия ташкилоти, у ердаги аъзоларнинг фаоллиги ҳусусида алоҳида тўхтади. Ушбу бошланғич ташкилот фаолияти билан яқинроқ танишиш мақсадида унинг етакчисини суҳбатга тортиди.

— Бизнинг номзод дастуридан аҳолига бирламчи тиббий ёрдам кўрсатишини янада яхшилаш билан боғлиқ таклифлар ўрин олган, — дейди **Саноат Зоҳидова**. — Тиббиёт ходими бўлганимиз учун бу масалани қанчалик муҳимлигини тушунамиз. Шунинг учун аъзоларимиз билан номзод дастурининг афзал томонини тарғиб қилишга ҳаракат қиламиз. Шунингдек, партияимиз аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий билимини ошириш, сайлов маданиятини юксалтириш мақсадида «Сайлов ва ёшлар», «Менинг танловим — мамлакат келажагини белгилайди», «Сайлов кампанияси даврида бошланғич партия ташкилотининг вазифалари» мавзуларида қатор тадбирлар ўтказдик. Улар эркин мулоқот тарзида ташкил этилди ва партия аъзолари фаол иштирок этди. Айни кунларда нафақат аъзоларимиз, балки муассасамизнинг бошқа ходимлари ўртасида ЎзХДП ғояларини тарғиб қилиш, партияимиздан Президентликка ном-

«БИЗНИНГ НОМЗОД ДАСТУРИДАН АҲОЛИГА БИРЛАМЧИ ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ ТАКЛИФЛАР ЎРИН ОЛГАН»

зод Хотамжон Кетмонов дастурининг аҳамиятини кенг тушунириш ишларини олиб бораёямиз. Тадбирларимиз асосан интерфаол усулларда, яъни фикр алмашиш тарзида ўтказилляпти, ҳамма ўз муносабатини эркин билдирапти. Дастурий мақсадларимизга қизиқувчилар сафи тобора ортиб бормоқда. Етакчининг айтишича, айни пайтда бошланғич партия ташкилотига 27 нафар аъзо бирлашган. Яқинда яна янги аъзоларни қабул қилишни ҳам режалаштирганмиз.

Бир сўз билан айтганда, бошланғич партия ташкилотларида сайловолди тадбирлари аъзоларимизнинг ҳамжиҳатлиги асосида ташкил этиляпти. Бу сайловнинг ушқоқлик билан юқори савияда ўтишида муҳим аҳамият касб этади.

Абдурасул САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

www.xdp.uz

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотларининг Президент сайловида тайёргарлик кўриш юзасидан олиб бораётган ишлари ҳақида мазкур сайтдан батафсил ахборот оласиз.



■ САЛОМАТЛИГИНИНГ ҲОЛАТИ ЁКИ БОШҚА САБАБЛАРГА КЎРА, ОВОЗ БЕРИШ БИНОСИГА КЕЛА ОЛМАЙДИГАН САЙЛОВЧИЛАР УЧАСТКА САЙЛОВ КОМИССИЯСИГА ТЕГИШЛИ ИЛТИМОС БИЛАН МУРОЖААТ ЭТИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА. БУНДА КОМИССИЯ ОВОЗ БЕРИШНИ АНА ШУ САЙЛОВЧИЛАР ТУРГАН ЖОЙДА ТАШКИЛ ЭТИШИ ШАРТ.



■ БИРОР БИР САБАБГА КЎРА, САЙЛОВЧИЛАР РЎЙХАТИГА ВАҚТИДА КИРМАЙ ҚОЛГАН САЙЛОВЧИ УНИНГ ШАХСИ, ФУҚАРОЛИГИ ВА ТУРАР ЖОЙИНИ ТАСДИҚЛОВЧИ ҲУЖАТГА АСОСАН УЧАСТКА САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ТОМОНИДАН РЎЙХАТГА КИРИТИЛАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ЎзХДПдан кўрсатилган
номзоднинг дастурида ёшларни иш билан таъминлаш, уларнинг
ташаббусларини қўллаб-қувватлаш бўйича муҳим масалалар белгиланган.



КУЧЛИ ИЖТИМОЙИЙ ҲИМОЯ — АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ!

2015 йил 29 март, якшанба —
Ўзбекистон Республикаси
Президенти сайлови куни

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзод
Хотамжон Кетмоновга овоз беринг!



ТАДБИР



Халқ таълими вазирлиги томонидан пойтахтимиздаги 249-мактабда оммавий ахборот воситалари ходимлари учун 3-синф ўқувчиларига яратилган «Kid's english» дарслик мажмуаси тажриба-синовлари жараёнида бағишланган медиа-тур ташкил этилди.

Тил билган эл билади

Бугунги кунда мамлакатимизда бошланғич синфлардан бошлаб ўқувчиларнинг чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида чет тиллари бўйича Европа Кенгашининг «Чет тилини билишнинг умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш» (CEFR) талабларига таянган ҳолда узлуксиз таълим тизимининг давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди.

Жумладан, умумтаълим мактабларининг 3-синф ўқувчилари учун «Kid's english» дарслик мажмуаси фан дастурига мувофиқ яратилди. Жорий йилнинг февраль ойидан бошлаб мазкур дарслик мажмуасини

республика бўйича жами юзга яқин умумтаълим мактабларида тажриба-синовдан ўтказиш жараёнида бошланди.

Муаллифлар томонидан инглиз, француз, немис тилларида яратилган ушбу лойиҳа бўйича ҳозир республикамиз ҳар бир вилоятининг ўқувчи умумтаълим мактабларида эксперимент ўтказилляпти. — дейди лойиҳа муаллифларидан бири, Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти хорижий тиллар кафедраси mudiri Клара Иноғомова. — Мазкур фан ўқитувчилари билан ҳар ҳафтанинг жума

куни ўқув машғулоти ўтказилляпти. Унинг натижалари ҳар икки ҳафтада умумлаштирилиб борилади. Ой-яқинида оралиқ машғулоти ўтказилади. Эксперимент якунида мутахассислар тил билиш, дарс ўқиш сингари 5 та йўналиш бўйича синовдан ўтказилади ва ундан муваффақиятли ўтганлар ўқувчиларга сабоқ бериш ҳуқуқига эга бўладилар.

Шу билан бирга, «Kid's english» дарслик мажмуаси ҳозир халқаро экспертизадан ўтказилмоқда. Берилган хулосадан кейин бу дарслик чоп этилиб, республикамиз мактабларига тарқатилади.

Нуруллоҳ ДОСТОН

СПОРТ

ГЕОРГИЙ АЪЗАМОВНИ ХОТИРЛАБ

Шу кунларда пойтахтимизда шохмат бўйича Ўзбекистоннинг биринчи гроссмейстери Георгий Аъзамов хотирасига бағишланган анъанавий «Тошкент опен» халқаро турнири давом этмоқда. Тўққизинчи мартаба ўтказилган мазкур мусобақада мамлакатимиз шохматчилари билан бирга Франция, Испания, Россия, Беларусь, Озарбайжон, Арманистон, Украина, Қозоғистон, Тожикистон ва Афғонистон каби давлатлардан юз нафарга яқин қатнашчи голиблик учун донна суряпти.

Еттинчи турдан сўнг, Владислав Артемьев

(Россия) ва Владислав Ткачёв (Франция) очколари сонини олтигача етказиб, турнир жадалларида карвонбошилиқ қилмоқда.

Улардан ярим очко кам жамғарган Тигран Петросян (Арманистон), Акмал Файзуллаев (Ўзбекистон) ва Сергей Волков (Россия), кейинги ўринларни банд этиб туришибди.

Кеча саккизинчи турда Владислав Артемьев Владислав Ткачёв билан баҳс юритган бўлса, Акмал Файзуллаев Тигран Петросянга қарши донна сурди.

Эркин ХОЛБОБОВ

РЕКЛАМА

AGROBANK

Барча юртдошларимизни
Наврўз айёми билан
муборақбод этамиз. Наврўз оилангизга
тинчлик, сийҳат-саломатлик, хотиржамлик
ва бахт-омад олиб келсин.
Байрамга тўхфа сифатида қуйидаги
омонат турини таклиф этамиз:

Кексаларни эъзозлаш
йили муносабати билан жорий
этилган «Эҳтиром» номили
омонат турига маблағларингизни
10 кундан 365 кунгача бўлган
давр оралиғида ўзингиз хоҳлаган
муддатга қўйиб, ҳисобланган
фоизларни ҳар ойда
олишингиз мумкин.

www.agrobank.uz

Хизматлар лицензияланган

РЕКЛАМА

ООО «KRANTAS»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:

АВТОЦИСТЕРНЫ-БЕНЗОВОЗЫ (МАСЛОВОЗ, НЕФТЕВОЗ) НА ШАССИ «ISUZU» или «MAN» ОБЪЕМОМ 4м³, 8м³, 10м³, 12м³ и 15м³.	АВТОЦИСТЕРНА ДЛЯ ПЕРЕВОЗКИ ПИТЬЕВОЙ ВОДЫ НА ШАССИ «ISUZU», «MAN» 4м³, 8м³, 10м³, 12м³.	КОМБИНИРОВАННАЯ ПОЛИВОМОЕЧНАЯ МАШИНА НА ШАССИ «ISUZU» или «MAN». ОБЪЕМОМ 4м³, 8м³ и 12м³.
БАХТОВЫЙ АВТОБУС НА ШАССИ «КАМАЗ» или «MAN» (4х4) или (6х6) 18-24 ЧЕЛОВЕК.	АВТОГУДРОНАТОР НА ШАССИ «MAN» или «ISUZU» 6 м³, 8 м³, 12 м³.	АВТОЦИСТЕРНА-КИСЛОТОВОЗ НА ШАССИ «ISUZU» или «MAN» 6м³ или 10 м³.

Телефоны: (0-371) 262-97-78, факс: (0-371) 262-23-61, (+99890) 187-52-05, (+99890) 315-99-17 www.krantas.uz, email: krantas@inbox.ru

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla OROPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihidin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 359
31 236
nuxxada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 21.20
Topshirilgan vaqti — 21.20

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Abdusalim MAHMUDOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433



1 2 3 4 5